

[4]. Бунга эришиш қийин эмас, фақат арзимаган охирги нав пахтадан воз кечиб октябрғача ерни бўшатиш талаб этилади.

2. Маккажўхори ва бошқа баланд бўйли ўсимликларни Ш.Т.

Хўжаев ва Ф.Э. Юлдашев (2013, 2017) таклиф қилишган усул асосида экиб, уларни тунлам ва бошқа зараркунандалардан кимёвий воситалар билан албатта ОВХ-

28 ёрдамида мавсумда 3-4 марта ҳимоя қилиш зарур [5].

**Ш. Хўжаев,
ЎҲҚИТИ.**

Адабиётлар руйхати:

1. Бей-Биенко Г.Я. *Общая энтомология*. Москва: Высшая школа, 1966. – 495 с.
2. Хўжаев Ш.Т. Нима учун кўсак қурти камаймаяпти? //Илмий-амалий конференция маърузаларининг тўплами. Тошкент: ЎзПТИ, 2009. – Б. 292-294.
3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 552 б.
4. Уразбаев А.А., Хўжаев Ш.Т. Ғўза қатор ораларига экилган ғаллада зараркунандаларнинг фаоллиги /Мақолалар тўплами. Тошкент: Наврўз, 2016. – Б. 53-58.
5. Юлдошев Ф.Э., Хўжаев Ш.Т. Маккажўхорини ҳимоя қилишдаги фаол усул ва воситалар //Докл. АН РУз. – 2017. - №1. – 51-52 б.

Ўқинг, огоҳ бўлинг

ОЛХЎРИНИ ШАРКА КАСАЛЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ХИЗМАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Annotation

The plant quarantine service plays an important role in preventing the penetration of dangerous quarantine objects missing in a foreign country and in ensuring a satisfactory phytosanitary condition when exporting and importing agricultural products. One of the most dangerous diseases of the plum virus disease, caused by the Prunus virus 7. This disease is absent in Uzbekistan; it is subject to external quarantine. As a result of damage to the scar, the yield loss of the plum can reach up to 30-100%.

Аннотация:

Служба карантин растений важную роль играет при предотвращении проникновения отсутствующих в нашей страны опасных карантинных объектов их обеспечении удовлетворительного фитосанитарного состояния при экспорте и импорте сельскохозяйственных продукциодным из опаснейших болезней сливы вирусной болезни шарка- возбудителем которой является вирус Prunus virus7. Шарка сливы широко распространены во многих странах мира. Это болезни в Узбекистане отсутствует, она является объектом внешнего карантина. В результате повреждения шаркой потеря урожая сливы могут достигать до 30-100%.

Калит сўзлар. Мевали боғлар, олхўри, карантин, касаллик, вирус, зарарланиш, чора-тадбир.

зарарли организмлар аниқланса, зудлик билан уларни зарарсизлантириш ва тегишли ташкилотларга маълум қилиш ҳамда бошқа карантин чора-тадбирларни қўллаш инспекциянинг асосий вазифасидир.

Олхўрининг шарка касаллигини Prunus virus 7 (Plum pox virus) номли вирус кўзғатади. Ушбу касаллик дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан АҚШ, Россия, Австрия, Англия, Болгария, Германия, Испания, Италия, Голландия, Греция, Молдова, Польша, Руминия, Сербия, Туркия, Чехия, Швеция, Швейцария ва Югославия давлатларида тарқалган. Шарка касаллиги 1962 йилда илк бор Молдовада кузатилди. Шарка касаллиги Ўзбекистонда ташқи карантин объекти ҳисобланади.

Касалликнинг ташқи белгилари ва зарари. Касалланган дарахт баргларида кенг чизиқли халқа шаклли доғлар ҳосил бўлади, барглари рангсиз-яшил ёки сарғиш-яшил

Аҳолига арзон ва сифатли, мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришда ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ўз вақтида

самарали ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини ички ва ташқи карантин зарарли организмлардан асраш, агарда ҳудудларда карантин



1



2



3

Расм. Шарка касаллиги билан зарарланган олхўри барги (1) ва мевалари (2,3)

бўлади, меваларида эса оч-яшил ёки оч-сариқ айлана доғлар ҳосил бўлади. Ёз ойларида касалликка чидамсиз навлар мевалари устида ботиқ некротик, тўқ-яшил тусли тасма, халқа ва ярим халқа шаклли доғлар ҳосил бўлади. Шарка касаллигининг зарари натижасида чидамсиз навларда ҳосилдорлик 25-30% дан 100% гача йўқотилади. Бу касаллик билан зарарланган дарахт мевалари тўкилиб кетади. Тўкилмай қолганлари ҳам сифати ва таъмини йўқотиб, таркибидаги қанд моддаси камайган, шакли ўзгарган, вақтидан олдин ранга кирган ёки мевалари майда-майда бўлиб қолган кўринишда бўлиб қолади (1,2,3-расмлар).

Дарахтлар вирус касаллиги билан зарарлангандан сўнг 10-11 ой ўтгач бу касалликнинг ташқи белгилари намоён бўлади. Баҳорда олхўри ва тоғолча барглари ҳамда ёш новдаларида кенг халқа, ёй, тасма ва бошқа шаклларда кенглиги

2-3 мм дан 10-15 мм гача келади-ган оч-яшил ёки оч-сариқ доғлар ва тасмачалар пайдо бўлади. Уларнинг сони ва ўлчами ўсимлик навининг чидамлилиги, зарарланиш муддати ва об-ҳаво шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ҳарорат 20-25 °C гача исиши билан чидамли навларда касаллик белгилар йўқолади.

Касаллик қўзғатувчи патоген қаламчалар, кўчатлар ва илдиз-бачкилар воситасида тарқалади. Бу касаллик ниҳоллар, пайванд ва ширалар орқали тарқалади. Касалликни белгиларини аниқлашда индикатор ўсимликлар сифатида олхўри, шафтоли ёки ўрикнинг танаси ёғочлашмаган ниҳоллари, ўтсимон ўсимликлардан олабута, тамаки ва бошқалар ишлатилади.

Шарка касаллигига қарши асосий карантин чора-тадбирлар:

-касаллик тарқалган мамлакатлардан экиш материалларини олиб келмаслик;

-республика ҳудудида етиштирилаётган мевали (асосан кўчатлари четдан олиб келинган) боғларни шарка касаллиги бўйича доимий кузатиш ва шарка касаллигидан холи эканлигини назорат қилиш;

-мевали боғ майдонларида карантин объектлар аниқланган тақдирда, зудлик билан тегишли ташкилотларга маълум қилиш, касаллик аниқланган майдонни зарарсизлантириш, касалланган новдаларни ёкиб йўқ қилиш;

Шарка касаллиги билан зарарланган жойларда карантин чора-тадбирларини қўллаш ўсимликлар карантини инспекторлари томонидан доимий равишда назорат қилинади.

**О. Сулаймонов, Қ. Бобобеков,
Ю. Бўронов, Т. Худойқулов,
"Ўздавкарantin" инспекцияси
ҳузуридаги Ўсимликлар
карантини илмий маркази**

Адабиётлар рўйхати:

1. Jerry K., Simon W. *Important Diseases of Prunus Caused by Viruses and Other Graft-Transmissible Pathogens in California and South Carolina Department of Plant Pathology. Univtrslry of California. Davis. CA 956 16. Plant Disease/ January 1992. Pages 5-11.*
2. Cambra, M., M. Asencio, M.T. Gorris, E. Perez, E. Camarosa, J.A. Garcia, J.J. Moya, D. Lopez -Abella, C. Vela, A. Sanz, 1994. *Detection of plum pox potyvirus using monoclonal antibodies to structural and non-structural proteins. Bull. OEPP/EPPO, 24:569-577. C. 159-161.*
3. «Справочник», Абрамова И.Т. «Справочник по карантинным и другим опасным вредителям, болезням и сорным растениям». Оспа слив (шарка, Prunus virus7).
4. <http://mvl-saratov.ru/sharka-ospa-sliv-eto-opasno>
5. <https://www.ogorodnik.com/articles/sharka-slivy-cto-delat>
6. <http://asprus.ru/blog/>
7. <https://fitolab.zhitomir.org/2017/02/08/sharka-vispa-slyvy/>